

2020

STRUCTURAL-SEMANTIC ANALYSIS OF POLYNOMIAL VERBAL COPULATIVE PHRASEOLOGIES IN PERSIAN LANGUAGE

Nuriddinov Nodir Mr

The state institute of oriental studies, nur_nn@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [International and Comparative Education Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Nodir, Nuriddinov Mr (2020) "STRUCTURAL-SEMANTIC ANALYSIS OF POLYNOMIAL VERBAL COPULATIVE PHRASEOLOGIES IN PERSIAN LANGUAGE," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 24.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2020/iss1/24>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Nodir NURIDDINOV,
TASHKENT STATE INSTITUTE OF ORIENTAL
STUDIES, teacher of the Iranian-afgan philology
department. nur_nn@mail.ru,
25, Shahrisabz street, Tashkent, 100060, Uzbekistan.

**ФОРС ТИЛИДА КЎП ТАРКИБЛИ
ФЕЪЛИЙ КОПУЛЯТИВ
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ
СТРУКТУР-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

**СТРУКТУРНО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ
АНАЛИЗ МНОГОЧЛЕННЫХ
ГЛАГОЛЬНЫХ КОПУЛЯТИВНЫХ
ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ В ПЕРСИДСКОМ
ЯЗЫКЕ**

**STRUCTURAL-SEMANTIC ANALYSIS OF
POLYNOMIAL VERBAL COPULATIVE
PHRASEOLOGIES IN PERSIAN
LANGUAGE**

Таянч сўз ва иборалар: *копулятив алоқа, кўп таркибли феълий копулятив фразеологик бирлик, олд кўмакчи, модель, инфинитив, содда феъл, олд қўшимчали феъл, қўшма феъл, сермахсул, каммахсул.*

Опорные слова и выражения: *копулятивная связь, многочленная глагольная копулятивная фразеологическая единица, предлог, модель, инфинитив, простой глагол, префиксальный глагол, сложный глагол, продуктивный, непродуктивный.*

Keywords and expressions: *copulative bond, polynomial verbal copulative phraseology, preposition, model, infinitive, simple verb, prefixal verb, compound verb, productive, unproductive.*

Копулятив фразеологик бирликлар (КФБ) форс тили фразеологик фондида алоҳида ўринга эга. Улар қаторига от+ва+от, от+ва+сифат модели асо-сида ясалувчи, бир грамматик қаторга оид турғун сўз бирикмалари тегишлидир. Бу каби сўз бирик-маларида боғловчи элемент сифатида *واو عطف* vāv-e a'tf номли “ва” бириктирувчи боғловчиси ишлати-лади. *و* “ва” бириктирувчи боғловчиси ҳам турғун, ҳам эркин сўз бирикмаларида доимо “о” деб та-лаффуз қилинади. Биринчи компонент қандай унли билан тугашига кўра манбаларда *vo/yo* шакллари ҳам кузатилади. КФБлар таркибида *واو عطف* vāv-e a'tf нинг бир хил синтактик муносабатдаги сўз-ларни боғлашдан иборат бўлган асосий функция-си ўз кучини йўқотади. Бу боғловчи фразеологик сўз бирикмаси таркибида асосий компонентлардан

Копулятив фразеологик бирликлар (КФБ) форс тили фразеологик фондида алоҳида ўринга эга. Улар қаторига от+ва+от, от+ва+сифат моделлари асосида ясалувчи, бир грамматик қаторга оид турғун сўз бирикмалари тегишлидир. Бу каби сўз бирикмаларида боғловчи элемент сифатида *واو فطع vāv-e a'tf* номли “ва” бириктирувчи боғловчиси ишлатилади. “ва” бириктирувчи боғловчиси ҳам турғун, ҳам эркин сўз бирикмаларида доимо “о” деб талаффуз қилинади. КФБлар таркибида *واو فطع vāv-e a'tf* нинг бир хил синтактик муносабатдаги сўзларни боғлашдан иборат бўлган асосий функцияси ўз кучини йўқотади ва мазкур боғловчи КФБнинг асосий компонентларидан бирига айланади. Кўп таркибли феълий фразеологизмлар феълга хос бўлган барча морфологик категорияларни қабул қилади. Бу турдаги ФБнинг таркиби деярли бир хил кўринишга эга, яъни ўзаро турли грамматик воситалар билан боғланган икки-уч от ва феъл бирикувидан иборат бўлади. Мазкур мақола форс тилидаги кўп таркибли феълий копулятив фразеологик бирликлар тадқиқи, уларнинг структур-семантик таҳлилига бағишланган. Шунингдек, мақолада манбалардан тўпланган кўп таркибли феълий копулятив фразеологизмларнинг ясашиш моделлари, уларнинг сермахсул ва каммахсул турлари ҳақида фикр юритилади.

Копулятивные фразеологизмы (КФ) занимают особое место в фразеологическом фонде персидского языка. К ним относятся устойчивые словосочетания, построенные по моделям имя+и+имя, имя+и+прилагательное, принадлежащие к одному грамматическому ряду. В качестве связующего элемента в таких словосочетаниях используется *واو فطع vāv-e a'tf* соединительный союз “и” который произносится в основном как “о”, как в устойчивых, так и в свободных словосочетаниях. В составе КФ основная функция *واو فطع vāv-e a'tf* – соединять однородные по синтаксической функции слова – теряет свою силу, и этот союз превращается в один из основных компонентов фразеологического словосочетания. Многочленные глагольные фразеологизмы (МГФ) обладают всеми морфологическими категориями, свойственными глаголу. Большинство МГФ имеет приблизительно одинаковое строение – два-три имени, связанные между собой разными грамматическими способами, плюс инфинитив глагола. Данная статья посвящается исследованию и структурно-семантическому анализу многочисленных глагольных копулятивных фразеологизмов в персидском языке. В статье также рассматриваются образовательные модели многочисленных глагольных копулятивных фразеологизмов, их продуктивные и непродуктивные типы.

Copulative phraseological units (CPU) occupy a special place in the Persian phraseological fund. These include fixed phrases which built on the model name+and+name, name+and+adjective, belonging to the same grammatical row. In these phrases, the linking conjunction *واو فطع vāv-e a'tf* is used as a connecting element. The linking conjunction *واو فطع vāv-e a'tf* is always pronounced “o” in both fixed and free phrases. In CPUs, the main function of *واو فطع vāv-e a'tf* - to combine words with the same syntactic relation - loses its strength, and this conjunction turns into one of the main components of the copulative phraseologies. Polynomial verbal phraseologies accept all the morphological categories characteristic of a verb. The content of this type of phraseological units is almost identical, which consists of two or three nouns and verb combinations that are interconnected with different grammatical means. This article is devoted to study of polynomial verbal copulative phraseologies in Persian, their structural and semantic analysis. The article also discusses the modeling of polynomial verbal copulative phraseologies which collected from sources, their productive and unproductive types.

бирига айланади: *مثل سنگ و سبو mesl-e sang-o sabu* “бир-бирига тўғри (мос, мувофик) келмайдиган нарсалар” (айнан. “тош ва кўза каби”), *سردوگرم روزگار sard-o garm-e ruz(e)gār* “тақдирнинг қийинчиликлари” (айнан. “тақдирнинг иссиқ-совуғи”), *غول بيشاخ و دم yul-e bi šāx-o dom* “бесўнақай (катта) одам” (айнан. “шоҳсиз ва думсиз паҳлавон”), *گندم نما و جوفروش gandomnemā-vo jouforuš* “иккиюзламачи”, “мунофиқ” (айнан. “буғдой кўрсатиб арпа сотувчи”), *شروحيقت را قاطی کردن šar(r)-o haṣiṣat-rā ḡāti kardan* “ҳамма нарсани аралаш-қуралаш қилмоқ” (айнан. “рост ва ёлғонни аралаштирмоқ”), *توپ و تاش tur-o tašar* “сўкиш”, “ҳақорат” (айнан. “(оғз.) дўқ-пўписа ва ҳақорат”), *حفظ و قرائت قرآن hefz-o ḡerāat-e ḡorān* “Қуръонни ёддан айтиш”, “Қуръонни оҳанг ва қонун-қондаси билан ўқиш” (айнан. “Қуръонни ёдлаш ва ўқиш”) (Talibova S., 2002:62-63).

Образлилик, экспрессивлик ва эмоционалликни ифодаловчи КФБларга мажозийлик ҳам хос бўлиб, уларни “кичик ҳажмдаги бадиий асарлар” деб аташ мумкин (Shanskiy N., 1985:87)

Форс тилидаги ФБ (фразеологик бирликлар) тадқиқи фразеологизмлар ривожиди иштирок этувчи лексик, семантик ва синтактик сатҳларнинг ўзаро боғлиқлигини яна бир бор исботлайди. Айнан феълий ФБда фразеология сатҳининг ўзига хос жиҳатлари бутун мураккаблиги ва зиддияти билан намоён бўлади. Феълий ФБ форс тили фразеологик фондида марказий ўринни эгаллаб, форс тили фразеологик тизимининг катта қисмини ташкил этади (Goleva G., 2006:62-63).

Кўп таркибли феълий фразеологизмлар феълга хос бўлган барча морфологик категорияларни қабул қилади. Бу турдаги ФБнинг таркиби деярли бир хил кўринишга эга, яъни ўзаро турли грамматик воситалар билан боғланган икки-уч от ва феъл бирикувидан иборат бўлади (Rubinchik Yu., 1981:192-193)

Ҳозирги форс тили феълий фразеологизмлари орасида икки лексема ва бир феълдан иборат бўлган КТФКФ (кўп таркибли феълий копулятив фразеологизмлар) алоҳида ажратилади: *خرد و خمير کردن*

xord-o xamir kardan “янчмоқ”, “майда-майда қилмоқ”; “тинкасини қуритмоқ”, “ҳолдан тойдирмоқ”, “қаттиқ чарчатмоқ” (айнан. “майдаламоқ ва хамир қормоқ”), دست و پاداشتن *dašt-o rā dāštan* “чаққон, удда-бурон, ишбилармон бўлмоқ” (айнан. “оёқ ва қўлга эга бўлмоқ”), سبک و سنگین کردن *sabok-o sangin kardan* “хамма нарсаинг салбий ва ижобий томонларини кўриб чиқмоқ” (айнан. “енгил ва оғир қилмоқ”), شاخ، گذاشتن (و برگ دادن) *šāx-o barg dādan (gozāštan)* “бўрттириб (ошириб) кўрсатмоқ”, “муболаға қилмоқ”; “безамоқ”, “гапга тўн кийгазмоқ” (айнан. “шоҳ ва барглар билан безамоқ”, “ўрамоқ”), گرد و خاک کردن *gard-o xāk kardan* “шовқин, ғалаён, исён кўтармоқ” (айнан. “чанг кўтармоқ”, “чангитмоқ”), خرج و دخل کردن *harj-o daxl kardan* “молиявий ишларни оқилона олиб бормоқ” (айнан. “чиқим ва қирим қилмоқ”), زن، به نعل و میخ زدن *be na'l-o miḵ zadan* “ўз фикрини очик (тўғридан-тўғри) баён этмаслик”, “чора топмоқ”, “усталик билан қутулмоқ”, “гапни бошқа томонга бурмоқ” (айнан. “гоҳ тақага, гоҳ михга урмоқ”). Масалан:

... ماكان مرا خرد و خمير کرد. با او نميشد بازی کرد ...
Mākān ma-rā xord-o xamir kard. Bā u namišod bāzi kard “...Мокон мени янчиб ташлади. У билан ўйнаб бўлмасди” (۴۰:۱۳۰۷, علوی، بزرگ علوی)

از آن روز در محله بقدری باین حرف شاخ و برگ گذاشته
Az ān ruz dar mahalle beyadri bein harf šāx-o barg gozāšte budand ke Sayyed Hasanxān dar nazar-e ahl-e mahal emāmzāde šode bud “Ўша кундан бери маҳаллада бу сўзни шу қадар бўрттириб юборган эдиларки, маҳалла аҳли назарида Саййид Ҳасанхон авлиёга айланганди” (۱۳۰۸:۱۶, صادق چوبک).

Тадқиқот мавзусига оид КТФКФлар Эрон ёзувчиларининг асарлари ҳамда интернет сайтларидан олинган маълумотлар асосида тўпланди. Мухаммад Али Жамолзоданинг “сер и те як”, “дар المجانين (Техрон, 1330), Содик Ҳидоятнинг “طلب آمرزش”, “داس آكل” (Техрон, 1335), Бўзўрг Алавийнинг “چشمه‌ایش” (Техрон, 1357), Содик Чубакнинг “مردی در قفس” (Техрон, 1358), Али Мухаммад Афғонийнинг “شوهر آهو خانم” (Техрон, 1364), Хўсрав Шоҳонийнинг “جاسوس” (Техрон, 1368), Ғулломхусайн Создийнинг “آشغال‌دونی” (Техрон, 1370), Р. Парвизийнинг “سه کلاه” (Техрон, 1372), Абулқосим Ҳолатнинг “تنها من بدحافظه نیستم” (Техрон, 1373) каби асарлари тадқиқот ишимизга манба сифатида хизмат қилди. Манбалардан тўпланган мисоллар Г.С. Голеванинг “Фарси-русский фразеологический словарь” (3; 557 б.) ҳамда Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги “Персидско-русский словарь” (4; 800/864 б.) луғатларида берилган маънолар асосида таҳлилга тортилди.

Форс тилида КТФКФ таҳлили манбалардан тўпланган ФБни структур жихатдан қуйидаги уч гуруҳга бўлиб ўрганиш имконини беради:

1. “Копулятив бирлик+феъл” модели КТФКФ. Мазкур турдаги ФБ таркибидаги копулятив бирликлар асосан “от+va+от+феъл” модели асосида ясалади: آب و گل داشتن *āb-o gel dāštan* “чиройли, келишган бўлмоқ”, ادا و اطوار در آوردن *adā-vo atvār dar āvardan* “қилиқ қилмоқ”, “нозланмоқ”, “юз буруштирмоқ”, پوست و گوشت را از هم جدا کردن *pušt-o gušt-rā az ham jodā kardan* “ота-онани фарзандлари ёки яқин дўстлари билан уруштирмоқ”, “айирмоқ”, چراغ بودن *čēšm-o čēgāy budan* “суюкли (севимли, арзанда) бўлмоқ”, “... нинг фаҳри, ифтихори бўлмоқ”, دست و پا زدن *dašt-o rā zadan* “югуриб-елмоқ”, “беҳаловат уринмоқ”, “ўзини у ёқдан бу ёққа ташламоқ”, دست و پای خود را گم کردن *dašt-o rā-ye hod-rā gom kardan* “саросимага тушмоқ”, “ўзини йўқотиб қўймоқ”, دل و دماغ داشتن *del-o damāy dāštan* “яхши кайфиятда, хушчақчақ бўлмоқ”, زیر و رو کردن *zir-o ru kardan* “остин-устин, ағдар-тўнтар, оёғини осмондан қилмоқ”, سر و گوش جنبیدن *sar-o guš jombidan* “эрта улғаймоқ”, “айб ва гуноҳ йўлига кирмоқ” ва бошқалар. Масалан:

... طهران ... به حقیقت چشم و چراغ ایران است ...
Tehrān ... behayiyat čēšm-o čēgāy-e Irān ašt “Техрон, дарҳақиқат, Эроннинг ифтихоридир ...” (محمد علی، جمالزاده، ۲۱:۱۳۳۰).

... هر دست و پائی بزنی بیشتر آبروی خود را بزمن میریزی
Har dašt-o rā-i bezani bištar āb(e)ru-ye hod-rā bezamin berizi “Ўзингни ҳар у ёқдан бу ёққа солганингда, ўз обрўйингни кўпроқ ер билан битта қиласан” (محمد علی، جمالزاده، ۳۲:۱۳۳۰).

Таҳлил давомида “сифат+va+от+феъл” модели иккита КТФКФ (خورد و خمیر شدن *xord-o xamir šodan* “янчилмоқ”, “тинкаси қуритмоқ”, “ҳолдан тоймоқ”, “қаттиқ чарчмоқ” و خوردن *xord-o xamir kardan* “янчмоқ”, “тинкасини қуритмоқ”, “ҳолдан тойдирмоқ”, “қаттиқ чарчатмоқ”), “сон+va+сон+феъл” модели битта КТФКФ (یک و دو کردن با کسی) “ким биландир баҳслашмоқ”, “гап талашмоқ”) кузатилди:

هر روزی بنظرشان یکسال می آمد، عزیز آقا خورد و خمیر شده بود اما با خودش می گفت: خیلی خوبست چون برای زیارت می روم
Har ruzi benazaresān yeksāl mi-āmad, Aziz āyā xord-o xamir šode bud ammā bā xodaš mi-goft: xeyli xubast čun barāye ziyārat miravam “Уларга ҳар бир кун бир йилдек туюларди, Азиз оға ҳолдан тойган эди, аммо ўзига-ўзи дерди: Қандай яхши, ахир мен муқаддас зиёратга кетяпман-ку” (صادق هدایت، ۸۲:۱۳۳۰)

صدای شاه باجی خانم بگویم رسید که با پرستاران مشغول یک ...
Sedā-ye Šāh-bāji xānom begušam rasid ke bā paraštārān mašyul-e yek-o do kardan bud “Шоҳ-бо-

жи хонимнинг ҳамширалар билан баҳслашаётган овози эшитилди” (۲۷:۱۳۳۰, محمد علی جمالزاده).

2. “Олд кўмакчи+копулятив бирлик+фёъл” модели КТФКФ. Мазкур турдаги ФБ биринчи типдаги КТФКФга қараганда каммаҳсул бўлиб, таркибида олд кўмакчилар ишлатилиши билан фарқланади. Манбалардан тўпланган КТФКФ таркибида *zadan*, *āmadan*, *āmadan*, *goftan*, *oftādan* фёълларининг семантикасига мос равишда *be* “...га” ва *az* “...дан” олд кўмакчилари ишлатилади: *be āb-o ātaš zadan* “ўзини хавф-хатар остига қўймоқ”, “шоша-пиша ўзини олов ва сувга урмоқ”, “ўсмоқ”, *az āb-o gel dar āmadan* “улғаймоқ”, “катта бўлмоқ”, *az āsmān-o rismān goftan* “турли, бир-бирига мувофиқ бўлмаган нарсалар ҳақида гаплашмоқ”; *be dašt-o rā oftādan* “ҳовлиқмоқ”, “югуриб-елиб чарчамоқ”, “безовта (бесаранжом) бўлмоқ”, *be na'l-o miḥ zadan* “ўз фикрини очик (тўғридан-тўғри) баён этмаслик”, “чора топмоқ”, “усталик билан қутулмоқ” (айнан. “гоҳ тақага, гоҳ миҳга урмоқ”). Масалан:

بين پسر، من اين مدت خوب تورا شناختم ... با اين سن و سالم هر غلطی که بخوای می کنی و واسه پول خودتو به آب و آتش می زنی *Bebin pesar, man in moddat xub to-rā šenāxtam ... bā in sen(n)-o sāl har ʔalati ke bexāy mikoni va vāsse-ye pul xodeto be āb-o ātaš mizani* “Эй, болакай, мен сени бу вақт ичида яхши билиб олдим ... Шу ёшингдан бўлмағур ишлар қилиб, пул учун ўзингни хавф-хатарга қўйяпсан” (۴۳:۱۳۷۰, غلام حسين ساعدی)

هفت سال بهمين منوال گذشت ... در اين مدت همه بچه های *Haft sāl behamin menvāl gozašt ... dar in moddat hame-ye bačehā-ye Hojī Samad az āb-o gel dar āmade budand* “Етти йил шу тарзда ўтди ... Бу вақт ичида Ҳожи Самаднинг ҳамма болалари ўсиб-улғайган эдилар” (صادق هدايت) (۱۳۳۰:۳۴).

3. Икки инфинитив фёъл бирикувидан иборат КТФКФ. Мазкур турдаги КТФКФ жумла шаклида бўлиб, кўпинча икки инфинитив шаклдаги фёълнинг копулятив бирикувидан, баъзан фёълларнинг копулятив муносабатидан ташқари иккинчи даражали бўлақлар бирикувидан ҳам иборат бўлади: *del dādan-o ʔolve gereftan* “сухбатга берилиб кетмоқ”, “хар бир сўзини илиб олмоқ”, *gol goftan-o gol šenidan* “кизиқарли сухбат қилмоқ”, “нотиқлик ва зукколик билан намоеън бўлмоқ”, *namak xordan-o namakdān šekaštan* “яхшилиқка – ёмонлик” (айнан. “тузни емоқ – туздонни синдирмоқ”), *dar āsmān jostan-o dar zamin yaftan* “кимнидир, ниманидир қутилмаган жойда учратмоқ,

топмоқ” (айнан. “осмондан қидирмоқ ва ердан топмоқ”):

ما مشغول تفریح و خنده بودیم و با دوستان گل می گفتیم و گل می شنیدیم *Mā mašʔul-e tafrih-o xande budim va bā duštān gol migoftim va gol mišenidim* “Биз вақтичоғлик қилар ва қулардик, дўстлар билан ширин суҳбат қулардик” (Goleva G., 2005:450)

مثل اینکه هفتاد سال با هم شریک حجره و رفیق گرمابه بوده ... *aim del dādim-o ʔolve gereftim*

... *Mesl-e inke haftād sāl bā ham šerik-e hojre va rafīʔ-e garmābe bude-im del dādim-o ʔolve gereftim* “... Худди етмиш йил бирга бир хужрада яшаган ва энг яқин дўстлардек суҳбатга берилиб кетдик” (محمد علی جمالزاده, ۱۳۳۰:۴۹).

Эркин синтактик моделлардан фарқли равишда КТФКФнинг ҳам таркибий қисмлари қатъий ўзгармас тартиб ва муайян лексик-грамматик таркибга эга бўлади. Баъзи ҳолатларда копулятив фразеологик бирликнинг маъноси матн асосида намоеън бўлади. Масалан:

دو سه روز گذشت و هر چه دست و پا کردم نتوانستم خبر *Do se ruz gozašt va har če dašt-o rā kardam natavāneštam xabar-e sahihi az hāl-e Hedāyat Ali bedašt beyāvaram* “Икки-уч кун ўтди ва мен қанчалик ҳаракат қилмай Ҳидоят Алининг аҳволи ҳақида ишончли маълумот ололмадим” (محمد علی جمالزاده, ۱۳۳۰:۱۴).

Мазкур гапдаги *dašt-o rā kardan* “ҳаракат қилмоқ”, “елиб-югурмоқ” КТФКФнинг исмий қисми (*dašt-o rā*, айнан. *dašt* “қўл”, *rā* “оёқ”) соматик сўзлар бирикувидаги копулятив сўз бирикмасидан ва *kardan* фёълдан иборат. Форс тилида *dašt kardan* “тўлдирмоқ” ва *rā kardan* “оёққа киймоқ” қўшма фёъллари мавжуд. *dašt kardan* ва *rā kardan* қўшма фёълларининг ўзаро бирикуви фразеологик муносабатни юзага келтирмоқда. *kardan* фёълнинг тавтологияга учрашини олдини олиш мақсадида мазкур фёъл икки сўз (от) билан бир марта ишлатилапти ва натижада КТФКФ ҳосил бўляпти. КТФКФ шаклланивчи бу усул тез-тез кузатилади ва маъноси уни ташкил қилувчи таркибий қисмларининг лексик маъносидан келиб чиқади. Бошқа турдаги копулятив бирликларда бўлгани каби синтактик ва ритмик тузилиш (шакл) КТФКФларнинг характерли хусусиятларидан ҳисобланади. Юқоридаги каби ҳолатни қуйидаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин:

مطلب خودرا صراحتا نمی گفت ولی به نعل و میخ می زد *Matlab-e xod-rā sarāhatan namigoft vali be na'l-o miḥ mizad* “Ўз мақсадини очик айтмасди, аммо гапни бошқа томонга бурарди” (بزرگ علوی, ۱۳۵۷:۷۱)

Mirzā mirza محمود چشمه‌ایش را تنگ و گشاد کرد Mahmud ... češmhā-yaš-rā tang-o gošād kard “Мирза Махмуд кўзларини жовдиратди (пирпиратди)” (خسرو شاهانی, ۱۳۶۸:۴۲).

А.А. Веретенников КТФКФларга “доимо бир-га ишлатилувчи, va/o “ва” тенг боғловчиси билан боғланувчи турғун феълий сўз бирикмалари” (Veretennikov A., 1993:23) ни киритади. Ўз фикрига мисол сифатида икки феълнинг бирикувидан иборат қуйидаги фразеологизмларни келтиради: گل گفتن “ширин суҳбат қурмоқ”, “ўз нотиклиги билан файз бағишламоқ” (айнан. “гул деб айтмоқ” ва “гул деб эшитмоқ”), کوه کندن “катта куч (меҳнат) сарфлаб, арзимас натижага эришмоқ” (айнан. “тоғни кавлаб фақат сичқон топмоқ”), دو پا، داشتن و دو پای دیگر هم قرض کردن do pā dāštan-o do pā-ye digar ham ʔarʔ kardān “оёқни кўлга олиб югурмоқ”, “орқасига қарамай қочмоқ”, “тезда ғойиб бўлмоқ” (айнан. “икки оёққа эга бўлмоқ, яна бошқа икки оёқни қарзга олмоқ”), در آسمان جستن و در زمین یافتن dar āsmān joštan-o dar zamīn yāftan “узок қидирувлардан сўнг ниманидир ёнгинасидан топмоқ” (айнан. “осмондан қидирмоқ ва ердан топмоқ”), lab-e rudxāne bordan-o tašne bar gardāndan “лақиллатмоқ”, “чув туширмоқ”, “айёр”, “уддабурон бўлмоқ” (айнан. “дарё бўйига олиб бормоқ ва ташна ҳолда қайтариб олиб келмоқ”) (Veretennikov A., 1993:23-30). Юқорида келтирилган мисолларда и vāv ни va тарзида ўқиш ҳам мумкин:

روزنامه نگران ممتاز ایرانی شمع مجلس بودند، گل می گفتند ... Ruznāmenegarān-e momtāz-e irāni šam'-e majles budand, gol migoftand va gol mišenoftand “Энг яхши эронлик ёзувчилар ўз сўзамолликлари ва нотикликлари билан мажлисга файз киритдилар” (رسول پرویزی, ۱۳۷۲:۳۹).

Az tubre va āxur xordan-e ānhā-rā montafi kard “Уларнинг очкўзлигига чек қўйди” (<http://www.khodnevis.org>).

КТФКФнинг маъноси таркибий қисмлари маъносининг умумий йиғиндисидан ташкил топишини қуйидаги мисолларда кузатамиз:

این گاو شیرده پوست و استخوان شده برای پروار شدن دوباره In gāv-e širdeh-e pušt-o oštōxān šode barāye parvār šodan-e dobāre niyāz be timār dārad “Озиб кетган бу соғин сигир қайтадан семириши учун парваришга муҳтож”. (www.roozonline.com/persian)

این زن یکریز حرف می زد و قصدش بیان مطلبی که مورد توجه In zan yekriz harf mizad va ʔasdaš bayān-e matlabi ke moured-e tavajjoh va alāʔe-aš bāšad nabud. Az āsmān-o rismān

mi-goft “Бу аёл тўхтовсиз гапирарди ва мақсади уни қизиқтирган масаланинг баёни эмасди. Бир тоғдан бир боғдан гапирарди” (بزبرگ علوی, ۱۳۵۷:۷۴).

А.А. Веретенников таъкидлаганидек, мазкур типдаги фразеологизмлар фразеологик гаплар билан ўзаро алоқага эга эмас (кўпинча аралаштирилади) ва луғатларда мақоллар сифатида келтирилади. Шунинг учун уларни ўзаро фарқлашда қийинчилик юзага келади (Veretennikov A., 1993:23)

اگر جانت دوست می داری و نمی خواهی داغت به دل ... Agar jānat dušt mi-dāri va namixāhi dāʔat be del-e mādarat benešīnad do pā dāri va do pā-ye digar ham ʔarʔ kon va borou “... Агар жонингдан умидинг бўлса ва онанг ғамингда адо бўлишини хоҳламасанг, оёғингни қўлингга олиб югур ва кет” (محمد علی جمالزاده, ۱۳۳۰:۱۱۰).

Демак, КТФКФ – доимий лексик таркибга эга бўлган сўз бирикмалари бўлиб, ҳар қандай фразеологик бириклар каби КТФКФ ҳам тилда тайёр ҳолда намоён бўлиб, семантик яхлитликка эга бўлади:

شیر و خط انداختیم که از ما دو نفر کی اول سرگذشت خود را... Šīr-o xat andāxtim ke az mā do nafar ki avval sargozašt-e xod-rā hekāyat xāhad namud va ʔor'e beesm-e u oftād “Иккимиздан ким биринчи бўлиб ўз тарихини ҳикоя қилиб бериши бўйича қуръа ташладик ва қуръа унга тушди” (محمد علی جمالزاده, ۱۳۳۰:۵۶)

Юқоридаги шир и خط andāxtan “қуръа (чек) ташламоқ” КТФКФ таркибидаги шир šīr сўзи 1979 йилгача Эрон тангаларидаги шернинг гербли тасвирини англаган бўлса, хат хат сўзи эса танганинг гербли тасвирга қарама-қарши томони билдиради.

با او لاقل بیش از ده مرتبه در باشگاه ها نشست و برخاست Bā u lāʔal biš az dah martabe dar bāšgāh-hā nešāst-o barxāst karde budim “У билан клубларда ўн мартадан кўп учрашган эдик” (محمد علی جمالزاده, ۱۳۳۰:۱۲).

Манбалардан тўпланган КТФКФнинг семантик таҳлили натижасида уларнинг асосланмаган, қисман асосланган ва умумий асосланган маънога эга турлари аниқланди.

Асосланмаган маънога эга бўлган КТФКФнинг умумий маъноси исмий ва феълий қисмлари маъносининг йиғиндисидан ташкил топмайди, чунки улар ўз маъноларини бутунлай йўқотадилар. Асосланмаган маънога эга бўлган КТФКФни семантик жиҳатдан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Инсоннинг атроф-муҳит ва жамоа билан боғлиқ ўзаро муносабатларини ифодаловчи ФБ: آب و نان “кимнингдир

пошт ва گوشت , “мехрибончилигидан фойдаланмоқ”, пушт-о гушт-ра аз ҳам جدا کردن “ота-онани фарзандлари ёки яқин дўстлари билан уруштирмоқ”, “айирмоқ”, چشم و چراغ بودن češt-o čerāy budan “суюкли (севимли, арзанда) бўлмоқ”, “... нинг фахри, ифтихори бўлмоқ”, دست و پنجه نرم , “кучларини синаб кўрмоқ”, “беллашиб кўрмоқ”; “тортишмоқ”, “олишмоқ”, “жанг қилмоқ”; “баҳслашмоқ”.

بندہ نمک پروردہ شما هستم و آب و نان جناب عالی و خانواده Bande namakparvarde-ye šomā haštam va āb-o nān-e janāb-e ālī va xānevāde-ye mohtarametān-rā xorde-am “Мен сиздан жуда миннатдорман, сизнинг ва оилангизнинг меҳрибончилигидан баҳраманд бўлганман” (Goleva G., 2005:9)

Инсонинг ақлий ва жисмоний қобилиятини ифодаловчи ФБ: گل داشتن āb-o gel dāštan “чиройли, келишган бўлмоқ”, دست داشتن dašt-o rā dāštan “чакқон”, “уддабурон”, “ишбилармон бўлмоқ”, سر و سار-о гуш жомбидан sar-o guš jombidan “эрта улғаймоқ”, “айб ва гуноҳ йўлига кирмоқ”, گل در آمدن az āb-o gel dar āmadan “ўсмоқ”, “улғаймоқ”, “катта бўлмоқ”, دهن نداشتن dak-o dahan nadāštan “уқувсиз, қобилиятсиз бўлмоқ”.

من تازه مو در آورده بودم و پشت لیم سبز و صدایم دورگه شده Man tāze mu dar āvarde budam va pošt-e labam sabz va sedāyam dorage šode bud va xeylī sar-o gušam mijombid “Энди-энди мўйловим сабз ура бошлаган ва овозим дўриллаб қолган эди, жуда эрта улғайгандим” (بزرگ علوی, ۱۳۵۷:۱۲).

Инсоннинг ҳис-туйғу, ҳатти-ҳаракат ва ишга бўлган муносабатини ифодаловчи ФБ: پای دست و پای خودرا dašt-o rā-ye hod-rā jam’ kardan “йўлга (сафарга) отланмоқ”, گرد و خاک کردن gard-o xāk kardan “шовқин, ғалаён, исён кўтармоқ” (айнан. “чанг кўтармоқ”, “чангитмоқ”), سر و کیسه کردن sar-o kise kardan “таламоқ”, “ўғирламоқ”, “қўркитиб (дўк-пўписа) билан ундирмоқ”; “алдамоқ”, “чув туширмоқ”, “лақиллатмоқ”, “ғазалдан (ғазалдан) šāx-o barg dādan (gozāštan) “бўрттириб (ошириб) кўрсатмоқ”, “муболага қилмоқ”; “безамоқ”, “гапга тўн кийгазмоқ” (айнан. “шоҳ ва барглари билан безамоқ”, “ўрамоқ”), به آب و آتش زدن be āb-o ātaš zadan “ўзини хавф-хатар остига қўймоқ”, “шоша-пиша ўзини олов ва сувга урмоқ”, دست و پا افتادن be dašt-o rā oftādan “ҳовлиқмоқ”, “югуриб-елиб чарчамоқ”, “безовта (бесаранжом) бўлмоқ”, دست و پا زدن dašt-o rā zadan “югуриб-елмоқ”, “беҳаловат уринмоқ”, دست و پا کردن dašt-o rā kardan “катта қийинчилик билан топмоқ (қўлга киритмоқ)”; “елиб-югурмоқ”, “бор кучи билан ҳаракат қилмоқ”, سر و گوش آب دادن sar-o guš āb dādan “суриштириб билмоқ”, “тагига етмоқ”, “ўсмоқчилаб билиб олмақ”.

منتظرند که بهانه ای بدستشان بیفتد تا هر بنده خدائی را هر Montazerand قدر هم بیچاره و بی تقصیر باشد سر و کیسه بکنند ke bahāne-i bedastešān beyoftad tā har bande-ye hodā-i-rā har yadr ham bičāre va bitaysir bāšad sar-o kise bekonand “Худонинг ҳар бир бандаси қанчалик камбағал ва айбсиз бўлса ҳам уни талаш ва чув тушириш учун пайт пойлайдилар” (محمد علی جمالزاده, ۴۸:۳/۱۳۳۰).

Нутқ ва уни ифодалаш усуллари билан боғлиқ ФБ: دو کردن با کسی yek-o do kardan bā kasi “ким биландир баҳслашмоқ”, “гап талашмоқ”, میخ و نعل به زدن be na’l-o miḫ zadan “ўз фикрини очиқ (тўғридан-тўғри) баён этмаслик”, “чора топмоқ”, “усталик билан қутулмоқ” (айнан. “гоҳ тақага, гоҳ миҳга урмоқ”), آسمان و ریسمان را بهم بافتن āsmān-o rismān-rā beham bāftan “бир-бирига тўғри (мос) келмайдиган нарсаларни бирлаштирмоқ”, “бўлмаган (беҳуда, бемаъни) гап гапирмоқ”, از آسمان و ریسمان گفتن az āsmān-o rismān goftan “турли, бир-бирига мувофиқ бўлмаган нарсалар ҳақида гаплашмоқ”; “суҳбат мавзусидан четга чиқмоқ”, دل دادن و قلوه گرفتن del dādan-o ṽolve gereftan “суҳбатга берилиб кетмоқ”, گل گفتن و گل شنیدن gol goftan-o gol šenidan “қизиқарли суҳбат қилмоқ”, “нотиқлик ва зукколик билан намоён бўлмоқ”.

بمن بی اعتنایی میکنی؟ بمن محل نمی گذاری؟ برای من ... Veman bie’tenāyi mikoni? Veman mahal namigozāri? Barāye man āsmān-o rismān mibāfi? “... Менга умуман эътибор бермаяпсанми? Мени назар-писанд қилмаяпсанми? Менга бемаъни (беҳуда) гапларни гапиряпсанми?” (بزرگ علوی, ۱۳۵۷:۱۲).

Қисман асосланган маънога эга бўлган КТФК-Фнинг гоҳ исмий, гоҳ феълий қисми ўз маъносини ўзгартиради. Исмий қисм бир неча сўзлардан ташкил топса, ҳар бирининг маъноси ҳисобга олинади. КТФКФ таркибидаги ҳатто бир сўз ўз маъносини сақлаб қолган бўлса ҳам, бу каби ФБлар қисман асосланган ҳисобланади. Ана шу нуқтаи назарга кўра, қисман асосланган КТФКФ қуйидаги икки гуруҳга бўлиб ўрганилади:

КТФКФнинг исмий қисми ёки унинг таркибига кирувчи сўзлардан бири ўз маъносини сақлаб қолиб, феълий қисми эса ўз маъносини йўқотади.

КТФКФнинг исмий қисми ўз маъносини йўқотиб, феълий қисмининг маъноси сақланади.

Таҳлиллар давомида фақат иккинчи гуруҳга оид қуйидаги КТФКФ кузатилди: پای خودرا dašt-o rā-ye hod-rā gom kardan “саросимага тушмоқ”, “ўзини йўқотиб қўймоқ”, خرد و خمیر شدن xord-o xamir šodan “янчилмоқ”, “тинкаси қуримоқ”, خرد و خمیر کردن “ҳолдан тоймоқ”, “каттиқ чарчамоқ”.

xord-o xamir kardan “янчмоқ”, “майда-майда қилмоқ”; “тинкасини қуритмоқ”, “ҳолдан тойдирмоқ”, “қаттиқ чарчатмоқ”, خط انداختن شیر و šir-o xat andāxtan “қуръа (чек) ташламоқ” (شیر šir “1979 йилгача Эрон тангаларидаги шернинг гербли тасвири”, خط хат “танганинг гербли тасвирга қарама-қарши томони”), کلاه کردن و šal-o kolāh kardan “кийинмоқ”, “уйдан чиқишга тайёргарлик кўрмоқ”.

بابام دست و پاشو از ترس یا خوشحالی چنان گم کرده بود که ... Bābām dašt-o pāšo az tars yā xošhālī ḥonān gom karde bud ke yāru-rā da’vā ham nakard “Отам кўрқувдан ёки хурсандчиликдан шундай ўзини йўқотиб қўйган эдики, йигитни ҳатто қойи-мади ҳам” (غلام حسین ساعدی، ۱۳۷۰: ۴۰).

Умумий асосланган маънога эга бўлган КТ-ФКФ таркибидаги исмий ва феълий қисмлар ўз маъносини сақлаб, структур-семантик бирлик ҳосил қилади: اطوار در آوردن adā-vo atvār dar āvardan “қилиқ қилмоқ”, “нозланмоқ”, “юз буруштирмоқ”, پارت و پلا گفتن part-o palā goftan “сафсата сотмоқ”, “беҳуда гап қилмоқ”, پوست و استخوان شدن rušt-o oštōxān šodan “озиб-тўзиб кетмоқ”, “эти суягига ёпишмоқ”, حرام و حرس کردن harām-o hars kardan “режасиз (беҳуда) сарфламоқ”, “сарфлаб (совуриб) юбормоқ”, دل و جرأت داشتن del-o jor’at dāštan “журъатли, довюрак бўлмоқ”, دل و دماغ داشتن del-o damāy dāštan “яхши кайфиятда, хушчақчақ бўлмоқ”, زد و بند کردن zad-o band kardan “махфий тил бириктирмоқ”, “яширинча келишмоқ”; “кимнингдир орқасидан (билдирмасдан) битим тузмоқ”, زیر و زور کردن zir-o ru kardan “остин-устин, ағдар-тўнтар, оёғини осмондан қилмоқ”, زیر و زور کردن zir-o zabar kardan “остин-устин, ағдар-тўнтар қилмоқ”; “харобага айлантирмоқ”, “вайрон қилмоқ”, ساخت و پاخت کردن sāxt-o pāxt kardan “махфий тил бириктирмоқ”, “яширинча келишмоқ”, گم و گور gom-o gur kardan “ниманидир йўқотмоқ”, لت و لات lat-o pār šodan “қаттиқ калтак емоқ”, “тил-ка пора қилинмоқ”, “бўлақларга бўлинмоқ”, نال کردن nek-o nāl kardan “зорланмоқ”, “шикоят қилмоқ”, “ўз тақдирдан нолимоқ”, واج ماندن hāj-o vāj māndan “донг қотиб қолмоқ”, “хайратдан тўхтаб қолмоқ”; “саросима ва ваҳимада қолмоқ”, هارت و هورت راه انداختن hārt-o hurt rāh andāxtan “манманлик (димоғдорлик) қилмоқ”, “дўқ-пўписа (қўпол сўзлар билан) камситмоқ”, “ерга урмоқ”, نمک خوردن و نمکدان شکستن namak خوردan-o namakdān šekaštan “яхшиликка – ёмонлик” (айнан. “гузни емоқ – туздонни синдирмоқ”), عجز و لابه کردن ajz-o lābe kardan “ўтиниб сўрамоқ”, “ёлвормоқ”, “ўзини паст олиб (тиз чўкиб) илтимос қилмоқ”, “қилмоқ”, قال و قيل راه انداختن qal-o qāl rāh andāxtan “шовқин-сурон қилмоқ”,

“тўполон кўтармоқ”, در آسمان جستن و در زمین یافتن dar āsmān joštan-o dar zamin yāftan “кимнидир, нима-нидир қутилмаган жойда учратмоқ, топмоқ” (айнан. “осмондан кидирмоқ ва ердан топмоқ”), دو پا داشتن و دو پای دیگر هم قرض کردن do pā dāštan-o do pā-ye digar ham ʔarz kardan “оёқни кўлга олиб югурмоқ”, “орқасига қарамай қочмоқ”, “тезда ғойиб бўлмоқ” (айнан. “икки оёққа эга бўлмоқ, яна бошқа икки оёқни қарзга олмоқ”).

سید میران هاج و واج مانده بود که زنش چه می گوید Sayyed Mirān hāj-o vāj mānde bud ke zanaš ḥe miḡuyad “Хотинининг нима деяётганини эшитган саййид Мирон донг қотиб қолган эди” (علی محمد) (افغانی، ۱۳۶۴: ۷).

Форс тилида манбалардан тўпланган 53 та КТ-ФКФ таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди:

КТФКФнинг “копулятив бирлик+феъл” (43 та), “олд кўмакчи+копулятив бирлик+феъл” (5 та) ҳамда икки инфинитив феъл бирикувидан иборат бўлган (5 та) моделлари аниқланди.

КТФКФнинг “копулятив бирлик+феъл” модели сермахсул бўлиб, мазкур модел ўз навбатида “от+va+от+феъл” (40 та), “сифат+va+от+феъл” (2 та) ва “сон+va+сон+феъл” (1 та) каби шаклларда КТФКФ ҳосил қилиши мисоллар асосида таҳлилга тортилди.

КТФКФнинг феъл қисми сифатида آميختن āmixtan “аралаштир(ил)моқ”, کردن kardan “бажармоқ”, شدن šodan “бажарилмоқ”, بودن budan “бўлмоқ”, خوردن xordan “емоқ”, گفتن goftan “гапирмоқ”, دادن dādan “эга бўлмоқ”, زدن zadan “урмоқ”, دادن dādan “бермоқ”, جنيبدن jombidan “ҳаракатланмоқ”, بافتن bāftan “тўқимоқ”, گذاشتن gozāštan “қўймоқ”, کشيدن kešidan “тортмоқ”, انداختن andāxtan “отмоқ”, ماندن māndan “қолмоқ”, افتادن oftādan “йиқилмоқ”, گرفتن ḡaftan “қидирмоқ”, یافتن yāftan “топмоқ”, جستن joštan “қидирмоқ”, شکستن šekštan “олмоқ”, شنيدن šenidan “эшитмоқ”, شکستان šekaštan “синдирмоқ” каби содда феъллар (21 та), در آوردن dar āvardan “чиқармоқ”, در آمدن dar āmadan “чиқмоқ”, “пайдо бўлмоқ” каби олд кўшимчали феъллар (2 та), جدا کردن jodā kardan “айирмоқ”, جمع کردن jam’ kardan “жамламоқ”, گم کردن gom kardan “йўқотмоқ”, نرم کردن narm kardan “юмшатмоқ”, “гинчлантирмоқ”, قرض کردن ʔarz kardan “қарз олмоқ” каби қўшма феъллар (5 та) ишлатилган. КТ-ФКФ феъл қисмининг таҳлили мазкур турдаги ФБ таркибида содда феълларнинг сермахсул эканини кўрсатди.

Манбалардан тўпланган КТФКФнинг семантик таҳлили натижасида уларнинг асосланмаган (24 та), қисман асосланган (5 та) ва умумий асосланган маънога эга (19 та) турлари аниқланди.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати

1. Veretennikov A.A (1993). Ocherki glagolnoy frazeologii persidskogo yazika. – M.: Nauka, 1993, 155 s.
2. Goleva G.S (2006). Frazeologiya sovremennogo persidskogo yazika. – M.: Muravey, 2006. 224 s.
3. Goleva G.S (2005). Farsi-russkiy frazeologicheskiy slovar. – M., 2005. 557 s.
4. Persidsko-russkiy slovar v dvux tomax pod. red. Yu.A. Rubinchika (1983). – M.: Russkiy yazik, 1983. I tom 800 s, II tom 864 s.
5. Rubinchik Yu.A (1981). Osnovi frazeologii persidskogo yazika.–M.: Nauka, 1981. 276 s.
6. Talibova S.E (2002). Kopulyativnie slovosochetaniya v persidskom yazike. – M., 2002. 189 s.
7. Shanskiy N.M (1985). Frazeologiya sovremennogo russkogo yazika. M.: Visshaya shkola, 1985. 272 s.
8. ابو القاسم حالت. تنها من بدحافظه نيستم. تهران، ۱۳۷۳
9. بزرگ علوی. چشمه‌ایش. تهران، ۱۳۵۷
10. خسرو شاهانی. جاسوس. تهران، ۱۳۶۸
11. رسول پرویزی. سه کلاه. تهران، ۱۳۷۲
12. صادق چوبک. مردی در قفس. تهران، ۱۳۵۸
13. صادق هدایت. داش آکل. طلب آمرزش. تهران، ۱۳۳۵
14. محمد علی جمالزاده. خانه بدوش. سر و ته یک کرباس. دار المجانین. تهران، ۱۳۳۰
15. علی محمد افغانی. شوهر آهو خانم. تهران، ۱۳۶۴
16. غلام حسین ساعدی. آشغال‌دونی. تهران، ۱۳۷۰
17. <http://www.khodnevis.org>
18. <http://www.roozonline.com/persian>

